

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.91.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДОВ МАДИЛҲОН АЗИЗХОНОВИЧ**

**ОҲАНГАРОН ҲАВЗАСИ ҚУРУҚЛИК МОЛЛЮСКАЛАРИНИНГ  
(GASTROPODA, PULMONATA) ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИК-  
БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.06 - Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Гулистон – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Саидов Мадилхон Азизхонович**

Оҳангарон ҳавзаси куруклик моллюскаларининг (Gastropoda, Pulmonata) фаунаси ва экологик-биологик хусусиятлари ..... 3

**Саидов Мадилхон Азизхонович**

Фауна и эколого-биологические особенности наземных моллюсков (Gastropoda, Pulmonata) Ахангаранского бассейна..... 23

**Saidov Madilkhan Azizxanovich**

Fauna and ecological, biological peculiarities of terrestrial molluscs (Gastropoda, Pulmonata) of Akhangaran basin ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМӢ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.V.91.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМӢ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДОВ МАДИЛҲОН АЗИЗҲОНОВИЧ**

**ОҲАНГАРОН ҲАВЗАСИ ҚУРУҚЛИК МОЛЛЮСКАЛАРИНИНГ  
(GASTROPODA, PULMONATA) ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИК-  
БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.06 - Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Гулистон – 2023**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/B399 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон Давлат Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.Guldu.uz](http://www.Guldu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Пазилов Абдувант Пазилович биология фаълари доктори, профессор
Расмий оponentлар:	Боймуродов Хусниддин Тошбулгаевич биология фаълари доктори, профессор Дадаев Сайдулла биология фаълари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Фаргона давлат университети

Диссертация химояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.91.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 23.09 кунини соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 120100, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри, 4-мавзе Тел.: (+99867) 225-39-25, факс (+99867) 225-39-25, E-mail: [gluinfo@edu.uz](mailto:gluinfo@edu.uz).)

Диссертация билан Гулистон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№2 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри, 4-мавзе Тел.: (+99867) 225-39-25.

Диссертация автореферати 2023 йил 9.09 кунини тарқатилди.

(2023 йил «9» 09 даги №200/11 реестр баённомаси)



Б.Ё.Тўхтаев

Илмий таража берувчи илмий кенгаш  
Фарғона вилояти Фан ва таълим вазирлиги б.ф.д., профессор

Ф.Н.Гаибназарова

Илмий таража берувчи илмий кенгаш  
Фарғона вилояти Фан ва таълим вазирлиги б.ф.д. (PhD) доцент

Э.Б.Шакарбоев

Илмий таража берувчи илмий кенгаш  
Фарғона вилояти Фан ва таълим вазирлиги  
кошидаги илмий семинар раиси  
б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида ўрмонларни кесиш, мелиорация, сунъий ҳовузларни яратиш, фойдали қазилмаларни очик усулда қазиб олиш каби антропоген омилларнинг таъсири ўсиб бориши моллюскаларнинг биологик хилма-хиллигини қисқаришига ва айрим моллюска турларини бутунлай йўқолиб кетишга олиб келмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда урбанлашган ҳудудларнинг кенгайиши ҳамда сувдан нотўғри фойдаланиш уларнинг хилма-хиллигига таъсир қилувчи экотизимлар деградациясига олиб келадиган қайтмас жараёнларни келтириб чиқармоқда. Шунга кўра, антропоген омиллар кучли бўлган ҳудудларда куруқлик моллюскалари популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш, уларнинг эколого-биологик хусусиятларини асослаш ҳамда эндемик, камёб ва йўқолиб бораётган турларини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятли касб этади.

Жаҳонда моллюскалар хилма-хиллигини аниқлаш, турли омиллар таъсирида уларнинг табиий ва антропоген ландшафтларда тарқалишини таҳлил қилиш ҳамда камайиб ва йўқолиб кетаётган турларни сақлаб қолиш бўйича илмий изланишлар олиб берилмоқда. Бу борада, жумладан малокафаунани тадқиқ этиш, экотизимлардаги замонавий тарқалиш хусусиятларини аниқлаш, камёб ва йўқолиб бораётган турларини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, экотизим барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан куруқлик моллюскаларнинг таксономик таркиби аниқланди, ҳўжалик аҳамияти очиб берилди, камёб ва йўқолиб кетиши арафасидаги турларни сақлаб қолиш чоралари ишлаб чиқилди. Хусусан, 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясида<sup>1</sup> “...биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишни таъминлаш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтириш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраш суръатларини пасайтириш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш” вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Оҳангарон ҳавзаси фаунистик таркибини аниқлаш ва уни таксономик ва зоогеографик таҳлил қилиш, кенг тарқалган турларнинг биологик хусусиятларини ва ҳаёт циклини аниқлаш, куруқлик моллюскаларининг эндемик ҳамда муҳофазага муҳтож турларни сақлаб қолиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3256-Зоология институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 11 июндаги 484-сон қарори.

қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 484-сон «2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарорларихамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қуруқлик моллюскаларининг систематикаси, тарқалиши, таксономияси, экологияси, биологияси, ўзгарувчанлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар узоқ хориж олимлари: J.Gerber (1996); E.Gittenberger, R.A. Bank (1996); B.Hausdorf (1994,2000); A.Wiktor (2000); A.Wiktor, A.Riedel (2002); K.Jordaens et. al. (2010) томонидан олиб борилган. Яқин хориж мамлакатларида И.М. Лихарев, Е.С.Раммельмейер (1952), П.В.Матёкин (1959); И.М.Хохуткин (1974); А.А.Шилейко (1984); И.В.Муратов (1992); А.Г.Кузнецов (1999); Ю.В. Сачкова (2005); О.В.Булавкина, Г.Стойко (2009); С.С. Крамаренко (2009); Н.В.Гураль-Сверлова, Р.И.Гураль (2012) каби олимлар қуруқлик моллюскаларининг систематикаси, зоогеография, эволюцияси, ўзгарувчанлиги, экологик-биологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар олиб борган.

Марказий Осий республикаларидан Қозоғистонда ушбу йўналишдаги тадқиқотлар К.К.Увалиева (1992); Т.Т.Рымжанов (1989) томонидан олиб борилган, улар қуруқлик моллюскаларининг систематикаси ва хўжаликдаги аҳамиятини ўрганган.

Қуруқлик моллюскаларини режа асосида ўрганиш Ўзбекистонда йигирманчи асрнинг 90-йилларида бошланди.

Мамлакатимизда малакологлар (З.Иззатуллаев, 1970; А.Пазилов, 1992, 2005; А.Каримкулов, 2011; Ф.Гаибназарова, 2017, Ш.К.Абдулазизова, 2019) томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар давомида қуруқлик моллюскаларининг фаунаси, тарқалиши, экологик ўзгариши характери, хўжаликдаги аҳамияти ўрганилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-ФЗ-036 «Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлар қуруқлик моллюскалари биологияси ва эндемик эволюцияси экологик механизми қонуниятлари», Ф-5-17 «Ўзбекистон ва унга чегарадош

худудларда қуруқлик моллюскаларининг ўзгарувчанлик қонуниятлари тур ҳосил бўлиши жараёни» (2012-2016) мавзуларидаги амалий ва фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Оҳангарон ҳавзаси қуруқлик моллюскалари фаунистик таркибини аниқлаш ва уларнинг эколого-биологик хусусиятларини асослашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

Оҳангарон ҳавзаси қуруқлик моллюскаларининг фаунистик таркибини аниқлаш ва уни таксономик ҳамда зоогеографик таҳлил қилиш;

Оҳангарон ҳавзаси қуруқлик моллюскаларининг ландшафт–биотопик тақсимланганлигини аниқлаш;

қуруқлик моллюскаларининг намлик омилига нисбатан экологик гуруҳларини аниқлаш;

кенг тарқалган турларнинг биологик хусусиятларини ва ҳаёт циклини очиб бериш;

қуруқлик моллюскаларининг эндемик ҳамда муҳофазага муҳтож камёб турларининг сонини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Оҳангарон ҳавзасининг қуруқлик моллюскалари олинган.

**Тадқиқот предмети** Оҳангарон ҳавзаси қуруқлик моллюскалари кенг тарқалган турларининг таксономик ва зоогеографик таркиби, ландшафт–биотопик тақсимланиши, яшаш тарзи ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда малакологик, экологик усуллардан ва қиёсий таҳлилнинг статистик усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Оҳангарон ҳавзаси қуруқлик моллюскаларининг таксономик таркиби комплекс тарзда асосланган.

Худуд учун 21 та авлод ва 13 та оилага мансуб 63 та тур шундан моллюскаларининг 8 та тури (*T. callicratis*, *P. sterrii*, *Ps. chodschenticus*, *Ps. sogdianus*, *Ps. submicronatus*, *F. dichrozona*, *F. perlucens*, *X. krynickii*) худуд ва Ғарбий Тянь-Шань учун янги тур эканлиги аниқланган;

илк бор, қуруқлик моллюскаларининг биотоплар бўйича тақсимланганлиги аниқланган ;

Оҳангарон ҳавзаси жанубий ва шимолий ёнбағирликлари малакофаунасининг мезобионтлар, ксеробионтлар, мезоксеробионтлар, гигрофиллар ва криомезоксеробионт экологик гуруҳлари аниқланган; *Leucozonella mesoleucas*нинг биологик хусусиятлари ва кўпайиш жараёнининг ҳаво ҳарорати ва намликга боғлиқлиги ҳамда ҳаёт цикли учун оптимал ҳарорат +18,5°C эканлиги аниқланган;

илк бор, эндемизим даражаси, Оҳангарон ҳавзасида тарқалган 63 турдаги қуруқлик моллюскаларидан 35 та тури Ўрта Осиё эндемиклари эканлиги аниқланган;

Оҳангарон ҳавзаси куруқлик моллюскалари популяциясининг ҳолати: 63 турдан 5 таси *P. entoptyx*, *T. inversa*, *F. sinistrorosa*, *L. Ferghanica*, *L. ujjalvyanustur*лар ҳимояга муҳтож эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Куруқлик моллюскаларининг ландшафт элементлари ва биотоплар бўйича тақсимланиши ҳамда муҳофаза қилинадиган ҳудудларда популяция зичлиги асосланган;

Популяциянинг ҳозирги ҳолатига кўра, Оҳангарон ҳавзаси куруқлик моллюскаларининг камёб ва йўқолиб бораётган турларга антропоген омилнинг таъсир даражасини ортиб бориши баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги ва амалий натижаларни ваколатли давлат ва халқароташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Оҳангарон ҳавзаси куруқлик моллюскаларини комплекс тарзда ўрганиш, таксономик ва зоогеографик таркибини аниқлаш, ландшафт-биотопик тақсимланиши қонуниятларини ҳамда экологик-биологик хусусиятларини очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти куруқлик моллюскаларининг камёб ва муҳофазага муҳтож турлари популяцияларини сақлаб қолиш билан асосланади, уларнинг кўпайиши хусусиятлари ҳақида олинган маълумотлар популяциялар ҳолатини прогнозлаш ва шунга асосан қишлоқ хўжалиги ўсимликлари зараркунандалари, шунингдек гельминтлар оралиқ хўжайинлари сонини чеклаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**Оҳангарон ҳавзаси куруқлик моллюскаларининг (Gastropoda, Pulmonata) фаунаси ва экологик-биологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

куруқлик моллюскаларининг камёб ва ҳимояга муҳтож турларини фаунистик комплекслардаги яшаш муҳитларига антропоген омиллар таъсирини баҳолаш асосида турларни муҳофаза қилиш ва сақлаб қолиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” давлат Қўмитасининг Тошкент вилояти Оҳангарон бўлими фаолияти амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 2 февралдаги 04-02/8-214-сон маълумотномаси). Натижада, ҳавзадаги ҳимояга муҳтож *P.entoptyx*, *T.inversa*, *T.sinistrorosa*,



*L.ferghanica*, *L.ujfalvyanus* турлар локалитетларини аниқлаш, яшаш муҳитларини муҳофаза қилиш ва популяцияларини сақлаб қолиш имконини берган;

куруқлик моллюскаларининг экологик хусусиятлари ва популяция ҳолати, уларнинг айрим турлари қорамолларда учрайдиган паразит гельминтларнинг оралиқ хўжайини “Чорва молларининг наслдорлик сифатини яхшилашда биотехнологик усуллардан фойдаланишни жорий этиш” мавзусидаги №А-8-4 амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 июлдаги 89-03-2421-сон маълумотномаси). Натижада чорва молларида *Varestrongylus pneumaticus*, *Brachylaemus aequan*, *Protostrongylus railletii*, *Protostrongylus davtiani*, *Protostrongylus rufescens*, *Hasstilesia ovis* каби паразит гельминтларнинг тарқалишини олдини олиш ва қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан ЎзР ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (3 та республика ва 3 та хорижий журналларда), 6 та тезис халқаро ва маҳаллий анжуманларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация иши кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этади.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Куруқлик моллюскаларининг ўрганилганлик даражаси**» деб номланган биринчи боби икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда, фаунистик тадқиқотлар маълумотлари келтирилган, иккинчи бўлимда, экологик-биологик тадқиқотлар муҳокама этилади, унда қайд этилишича, Ғарбий Тяньн-Шаньдан олинган дастлабки малакофаунистик маълумотлар 1864 йилда Чотқол дарёсининг бошланиш қисмини ўрганган зоолог олим Н.А.Северцов, ҳамда 1865 йилда Чирчиқ дарёси хавзаси ва Чотқол тизмасини ўрганган А.П.Федченко экспедицияси билан бевосита боғлиқ. Ўрганилаётган ҳудуднинг малакофаунаси ҳақидаги маълумотлар И.

М.Лихарев, Е.С.Раммельмейер (1952), П.В.Матёкин (1959), А.А.Шилейко (1978,1984), К.К.Увалиева (1990), А.Г.Кузнецов (1999), А.Пазиров (2005), Ф.П.Ғойибназарова (2017) ишларида ўз аксини топган, улар куруклик моллюскалари систематикаси, зоогеографияси, эволюцияси, ўзгарувчанлиги, экологик-биологик хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор берган. Аммо бу тадқиқотлар фрагментар тусга эга бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида куруклик моллюскаларини ўрганиш даражаси жуда нотекис эканлигини, Оҳангарон ҳавзаси малакофаунаси эса деярли ўрганилмаганлиги қайд этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Оҳангарон ҳавзаси куруклик моллюскалари фаунасини ва экологик хусусиятларини ўрганиш услублари ва материаллари**» деб номланади. Иккинчи бобнинг биринчи бўлимида адабиёт маълумотлари асосида Оҳангарон ҳавзасининг қисқача физик-географик тавсифи келтирилган (рельефи, иқлими, тупроқ-ўсимлик қопламаси). Иккинчи бобнинг иккинчи бўлими материални баён қилишга бағишланган. Ишда 2009-2019 йилларда Оҳангарон ҳавзаси ҳудуди (1-расм), Ургаз, Шовоз, Овжасай, Кучбулоқ, Увак қишлоқлари атрофидан, Гушсой, Қизилча, Абджазсой, Нишабсой, Наугарзансой, Карангисой дарасидан; Куруксой ҳудудларидан; Кандирдовон ва Пангаз довони яқинидан, Бешкўл, Кўксарой, Сўқоқ, Тақақирлиди қишлоқларининг шимолий ёнбағирларидан;



○ - куруклик моллюскалари йиғилган ҳудудлар.

### **1-расм. Тадқиқот олиб борилган ҳудуд харитаси.**

Эртош, Боботоғ, Такеле, Қора-Булоқ, Афлотун, Серкали дарасидан, Шовозсой дарёсининг ўнг қирғоғи, Чотқол биосфера кўриқхонаси атрофи, Чотқол кўриқхонасининг Майдонтол участкасидан тўпланган 2570 та куруклик моллюскалари намуналаридан фойдаланилган.

Иккинчи бобнинг учинчи бўлими тадқиқот услубларига бағишланган. Оҳангарон ҳавзасининг ҳудудида куруклик моллюскалари фаунасини ўрганиш умумэътироф этилган услубларда олиб борилган. Материални йиғиш ва ишлов беришда А.А.Шилейко (1978,1984), А.Пазиров, Д.А.Азимов (2003), И.М.Лихарев, А.Й.Виктор (1980), фиксация қилишда Р.Я.Братчик (2004), лаборатория шароитларида биологик хусусиятларни С.В.Леонов

(2005) ва ўзгарувчанликнинг таққослама тавсифи П.В.Терентьев (1977), Н. С. Ростов (1978) услублари асосида ўрганилган.

Моллюскаларни ўрганиш бўйича лаборатория ва дала тадқиқотларида олинган маълумотларнинг статистик таҳлили SPSS Statistics 17.0 т Microsoft Excel 7.0 дастурларидан фойдаланган ҳолда стандарт Г.Ф.Лакин (1980) усулида олиб борилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Оҳангарон ҳавзаси қуруқлик моллюскалари фаунаси**» деб номланиб, у икки бўлимдан иборат, биринчи бўлимда таксономик таркибни ўрганиш натижалари келтирилган. Сўнги 20-25 йил ичида Ўрта Осиё малакофаунасига оид бир қатор монографик ишлар (Увалиев,1990; А.Пазиров, Д.А.Азимов, 2003) чоп этилган бўлсада, Ўзбекистон ҳудудида қуруқлик моллюскаларининг ўрганиш фрагментар характерда бўлиб, Оҳангарон ҳавзаси малакофаунаси эса шу пайтгача деярли ўрганилмаган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳозирги пайтда Оҳангарон ҳавзасида қуруқлик моллюскаларининг 21 та авлодга ва 13 та оилага мансуб 63 та турнинг яшаши аниқланган. Таксономик таҳлил қуйидаги схема асосида олиб борилади: 1. Тур номи кўрсатилгандан кейин намуналар сони ва унинг қаердан олинганлиги кўрсатилади. 2. Агар аниқланган турда (бизнинг тўпламда) чиғаноқ тузилиши адабиётларда келтирилган маълумотлардагига мос келса, бу турга тавсиф берилмайди. Бундан ташқари, имкон қадар, тўпланган намуналаримизни бошқа минтақалардаги худди шунга ўхшаш турлар (асосан ГулДУ, СамДУ, Ўзбекистон ФА Зоология институти зоология музейлари коллекцияларидан олинган) билан таққосланган. 3. Ҳар бир турга қисқача экологик тавсиф берилади ва географик тарқалганлиги кўрсатилади.

Бу ерда замонавий систематика ва номенклатура талабларига мувофиқ тадқиқот ҳудудида тарқалган қуруқлик моллюскаларининг таксономик рўйхат берилган. Астериск (\*) билан муаллиф томонидан Оҳангарон ҳавзасида илк бор аниқлаган турларни қайд этилган.

MOLLUSCA Linnaeus, 1758 типи

GASTROPODA Guver1795 синфи

PULMONATA Guver in Blainville, 1854 кенжа синфи

STYLOMMATOPHORA A.Schmid, 1855 катта туркуми

GEOPHILAE Ferussak, 1812 туркуми

COCHLICOPIDA E.Pilsbry, 1900 оиласи

*Cochlicopa* Ferussac, 1821 авлоди

1. *Cochlicopa (Cochliopa) nitens* Gallenstein, 185)

2. *C. (C. ) lubricella* Porro, 1838

3. *C. (C.) lubrica* Muller, 1774

ORCULIDAE Steenberg, 1925 оиласи

ORCULINAE Steenberg, 1925, кичик оиласи

*Sphyradium* Charpentier, 1837 авлоди

4. *Sphyradium doliolum* Bruguiere, 1792

VALLONIDAEMorse, 1864 оиласи  
*Vallonia*Risso, 1826 авлоди  
 5.*Vallonia (Vallonia) costata*Muller, 1774  
 6.*V. (V.) pulchella*Muller, 1774  
 PUPILLIDAETurton, 1831 оиласи  
*Gibbulinopsis*Germain,1919 авлоди  
 7.*Gibbulinopsis (Primipupilla) signata*Mousson, 1873  
*Pupilla*Turton, 1831 авлоди  
 8.*Pupilla (Pupilla) triplicate*Studer, 1820  
 9.*P.(P.) muscorum*. Linnaeus, 1758  
 10.*P.(P.) striopolita*Schileyko, 1984  
 11. \**P.(P.) sterrii* Pilsbry, 1948  
 VERTIGINIDAEPilsbry, 1918 оиласи  
 TRUNCATELLININAESteenberg, 1925 кичик оила  
*Truncatellina*Lowe, 1852 авлоди  
 12. \**Truncatellina callicratis*Scacchi, 1853  
 13.*T.costulata*Nilsson, 1822  
 ENIDAEWoodward,1903 оиласи  
 PSEUNOPAEINAE Schileyko, 1978 кичик оиласи  
*Pseudonapaeus* Westerlund, 1887 авлоди  
 14.*Pseudonapaeus (Pseudonapaeus) regelianus*Ancey, 1886,  
 15.*Ps.(Ps.) albiplicatus*Martens, 1874  
 16.*Ps.(Ps.) subobscurus*Ancey, 1886  
 17.*Ps. (Ps.) dissimilis* Martens, 1882  
 18. *Ps. (Ps.) diplus*Westerlund, 1896  
 19.*Ps.(Ps.) trigonochilus* Ancey,1886  
 20. \**Ps.(Ps.) chodschendicus*Mukhitdinov, 1976  
 21. *Ps.(Ps.) entoptyx*Lindholm, 1926  
 22.*Ps.chatkalicus*Kuznetsov, 1999  
 23. \**Ps. (Aridenus)submucronatus*Lindholm, 1927  
 24. \**Ps. (Chondrulopsis) sogdianus*Martens, 1874  
*Turanena*Lindholm, 1922 Авлоди  
 25.*Turanenaalbolimbata*Lindholm, 1927  
 26. *T.cognata*Lindholm, 1927  
 27.*T.stschukini*Lindholm, 1927  
 28.*T.inversa* Schileyko et Moisseeva, 1988  
*Laevozebrinus*Lindholm, 1925 авлоди  
 29.*Laevozebrinusujfalvyanus*Ancey, 1886  
 CHONDRULOPSININAE .Schileyko, 1978 кичик оиласи  
*Chondrulopsina*Lindholm, 1925 авлоди  
 30.*Chondrulopsinaintumescens*E. Martens, 1874  
 31.*Ch.fedtschenkoi*Ancey, 1886  
 BRADYBAENIDAE Pilsbry, 1939 оиласи  
*Ponsadenia*Schileyko, 1978 авлоди

32. *Ponsadeniasemenovi* Martens, 1874  
*Fruticicola* Held, 1837 авлоди
33. *Fruticicola phaeozona* Martens, 1874
34. *F. almaatini* Skwortzov, 1940
35. \**F. perlucens* Rosen, 1901
36. \**F. dichrozona* Martens, 1885
37. *F. saturata* Lindholm, 1926
38. *F. stoliczkana* Nevill, 1878
39. *F. cavimargocavimargo* Martens, 1874
40. *F. sinistrorosa* Tzvetkov, 1940
41. *F. plectotropis* Lindholm, 1927
- HUGROMIIDAE Tryon, 1866 оиласи
- TRICHIINAE Zilch et Jaeckel, 1962 кичик оиласи
- Odontotrema* Lindholm, 1927 авлоди
42. *Odontotremadiplodon* Lindholm, 1927
- Leucozonella* Lindholm, 1927 авлоди
43. *Leucozonella (Leucozonella) ferghanica* Lindholm, 1927
44. *L. (L.) caryodes* Westerlund, 1896
45. *L. (L.) mesoleuca* Martens, 1882
46. *L. (L.) rufispira* Martens, 1874
47. *L. (Narinula) hypophaea* Lindholm, 1927
48. *L. (N.) crassicosta* Schileyko, 1978
- Xeropicta* Monterosato, 1892 авлоди
49. \**Xeropicta krynickii* Krynicki, 1833
50. *X. candacharica* L. Pfeiffer, 1846
- PAEDHOPLITHAE Schileyko, 1978 кичик оила.
- Angiomphalia* Schileyko, 1978 авлоди
51. *Angiomphalia (Lentiga) lentina* Martens, 1885
52. *A. (A.) copiosa* Schileyko, 1978
53. *A. (A.) regeliana* Martens, 1882
- AGROLIMACIDAE Wagner, 1975 оиласи
- Deroceras* Rafinesque, 1820 авлоди
54. *Deroceras (Deroceras) laeve* Muller, 1774
55. *D. (Agriolimax) reticulatum* Muller, 1774
- LIMACIDAE Rafinesque, 1820 оиласи
- Turcolimax* Simroth, 1901 авлоди
56. *Turcomilax (Turcomilax) nanus* Simroth, 1901
57. *T. (T.) ferganus* Simroth, 1910
- ARIOPHONTIDAE Benson, 1832 оиласи
- Macrochlamys* Benson, 1832 авлоди
58. *Macrochlamys turanica* Martens, 1874
59. *M. sogdiana* Martens, 1871
60. *M. schmidtii* Brancsik, 1891
- GASTRODONTIDAE Lehmann, 1901 оиласи

*Zonitoides* Lehmann, 1901 авлоди

61. *Zonitoides nitidus* Muller, 1774

SUCCINEIDAE Beck, 1837 оиласи

*Novisuccinea* Pilsbry, 1948 авлоди

62. *Novisuccinea evoluta* Martens, 1879


*Oxyloma* Westerlund, 1885 авлоди

63. *Oxylomaelegans* Risso, 1826

Таксономик рўйхатни таҳлил қилиш натижасида *Pseudonapaeus*, *Fruticicola* авлодига мансуб турлар кўпроқ учраши қайд этилди. *Pseudonapaeus* авлоди 11 та турни бирлаштириб, ҳудуд малакофаунанинг 17,46 фоизини, *Fruticicola* авлодига эса 10 та тур мансуб бўлиб – 15,86 фоизни ташкил қилади. Бундан ташқари Ахангарон хавзасида тарқалган қуруқлик моллюскаларининг 63 туридан, 24 та тури йирик ва майда шохли хайвонларда оралиқ хўжайин сифатида паразитлик қиладиган моллюскалар ҳисобланади.

Учинчи бобнинг иккинчи бўлими зоогеографик таҳлилга бағишланган.

Зоогеографик жиҳатдан, Оҳангарон хавзаси қуруқлик моллюскаларининг фаунасини турли гуруҳларнинг мураккаб конгломератига ўхшатиш мумкин. Тадқиқот ҳудудининг қуруқлик малакофаунаси зоогеографик таркиби ареологик принцип асосида шакллантирилган олти та гуруҳни қамраб олади (2-расм).



**2-расм. Оҳангарон хавзаси малакофаунаси зоогеографик таркиби.**

**Изоҳ:** I – палеарктик ва голарктик турлар, II – Европа турлари, III – тоғли-Осиё турлари, IV – Ўрта Осиё турлари, V – Олд Осиё турлари, VI – Ўрта ер денгизи турлари.

Палеарктик ва голарктик турлар 9 турни қамраб олади ёки 14,28% фоизни ташкил қилади. Моллюскаларнинг ушбу гуруҳи совуққа чидамлилиқ ва намликка мойиллик билан ажралиб туради, асосан юқори намликка эга интерзонал биотопларда яшайди. Европа турларига 6 та тур кириб (9,52%), экологик жиҳатдан – ксерофил турлар ҳисобланиб, денгиз сатҳидан 1500 м баландликда учрайди. Асосан ярим буталар орасида, қояли тошлар ва тош уюмлари остида яшайди. Тоғли-Осиё турларига 9 та тур кириб (14,28%),

тадқиқотлар олиб борилган ҳудудларда асосан тоғли минтақасида буталар орасида, қоя тошлар ва тош уюмлари остида яшайди.

*Ўрта Осиё* турлари, сон жиҳатидан кўпчиликни ташкил этиб, унинг таркибига 35 та тур (55,6%). *Ўрта Осиё* турларининг ареаллари жуда турли-тумандир. Улар орасида муайян тоғ тизмаларида тарқалган тор ареалли эндемиклар билан бирга, кенг ареалга эга бўлган турлар ҳам мавжудки, уларнинг ареали, Тён-Шон, Помир-Олой, Афғонистон ва Шимолий-Шарқий Эроннинг тоғ тизимларини қамраб олган.

*Олд Осиё* турлари гуруҳига 2 тур (4,76%), *Ўрта ер дергизи* турларига эса битта тур *X. Krynickii* киради (1,58%). Бу турлар чўл зоналарда эфемероидлар, бутазорлар орасида, ариқлар бўйлаб ва ўсимликлар пояларида яшайди.

Тўртинчи боб «**Оҳангарон ҳавзаси қуруқлик моллюскаларининг ландшафт-биотопик тақсимланиши**». Ушбу бобнинг биринчи бўлимида Оҳангарон ҳавзаси шимолий ёнбағирлиги (Шовозсой, Иртишсой ва Эртош сойлари ҳавзаси) турли биотоплари малакокомплексларини ўрганиш материаллари тақдим этилган.

В.Н.Павлов (1980) олиб борган тадқиқотлар натижаларига кўра, бизни қизиқтирган ҳудуд 4 та баландлик ландшафт - биотопик минтақасига ажратилган:

**Эфемер ўсимликларнинг паст тоғли (лессмайда тупроқ шлейфларда), шувоқ ва бошоқлилар-шувоқ ўсадиган чўллар минтақаси.** Ушбу минтақада малакокомплекснинг қуйидаги биотопларда ўрганилди: ариқ бўйидаги ўтлар орасида 5 та тур; ўтлар остидаги барг тўшамларидан ва ярим бутали ўсимликлар орасидаги тошлар остида 2 тадан тур; беда плантацияларида эса 1тадан тур тарқалганлиги аниқланди.


**Турон бошоқли ҳар хил ўтлар ўсадиган тоғли даштлар минтақаси.** Бу минтақада 5 та биотоп ўрганилди: тепаликларнинг жанубий ёнбағирларида шувоқлар орасидаги тошлар остидаги 3 та тур; мевали боғлардаги ўтлар орасида 2 та тур; майда тош уюмлари остида 4 тур; буталар орасидаги тошлар остида 15 та тур; сув бўйларидаги ўтлар орасида 3 та тур тарқалган. Ушбу баландлик минтақасида қуруқлик моллюскаларининг 27 та тури тарқалган.

**Субальп яйловли даштлар ва яйловларда, арча ва тоғли ксерофитлар минтақасида** 4 та биотоп: қояли тошлар; арчалар остидаги ўсимлик қолдиклари, буталар орасидаги барг тўшамлари ва сувга яқин ерлардаги ўтлар ўрганилиб, қоятошларда – 4 тур, арчалар остидаги ўсимлик қолдиклари – 1, буталар остидаги барг тўшамлари – 5, сувга яқин ерлардаги ўтлар орасида – 4 тур тарқалган бўлиб, жами ушбу минтақада 14 турдаги қуруқлик моллюскалари учрайди.

**Альп ўсимликлари баландлик минтақасида** 2 та биотопда: альп яйловлари ўтлар ораси ва тош уюмлари остида 2 та тур яшаши аниқланди.

Умумий ҳисобда Оҳангарон ҳавзасининг шимолий ён бағирида 15 та биотопда қуруқлик моллюскаларининг 42 та тури тарқалган бўлиб, бу турлар

биотоплар бўйича нотекис тақсимланиб, популяциядаги зичлиги турлича (3-расм).



**3-расм. Қуруқлик моллюскалари турларининг Шоввозсой ҳавзасида биотоплар бўйича тақсимланышы ва популяция зычлыгы.**

*Изоҳ:* график- турлар соннн, диаграмма–зычлыкн акс эттырады, рақамлар биотоплар белгиланган. 1- ариқ бўйыдагы ўтлар ораси; 2 -ўтлар остидагы барг тўшамлари; 3 - ярим буталар ўсымликлар орасидагы тошлар ости; 4- беда плантациялари; 5 - тепаликларнинг жанубий ёнбағирларида шувоқлар орасидагы тошлар ости; 6 - боғлардагы ўтлар ораси; 7- майда тош уюмлари ости; 8 - буталар орасидагы тошлар ости; 9-сув бўйларидагы ўтлар ораси; 10- қояли тошлар; 11- арча остидагы ўсымлик қолдиқлари; 12- буталар остидагы барг тўшамнн; 13– субальп ўтлоқлари; 14- альп яйловларда ўтлар ораси; 15–альп тош уюмлари.

Келтирилган материаллардан кўриниб турибдыки (3-расм) Оҳангарон ҳавзаси шимолий ёнбағирликларида қуруқлик моллюскалари турларининг сонн ва зычлыгы биотоплар бўйыча фарқ қилады. Шоввозсой ҳавзасида қуруқлик моллюскаларининг юқори зычлыгы билан тепаликларнинг жанубий ёнбағирликлари биотоплари ажралиб турады: шувоқлар орасидагы тошлар остида популяция зычлыгы – 51 экз.м<sup>2</sup>. Популяциядагы энг кам зычлыкн сув бўйларидагы ўтлар ораси ва альп ўтлоқларида қайд этилган бўлиб, бу кўрсатгыч 1 м<sup>2</sup> майдонда 2-10 тани ташкил қилады.

Бобнинг иккинчи бўлими Оҳангарон ҳавзаси жанубий ёнбағирликлари (Абажсой ва Наугарзансой ҳавзалари) турли биотопларидагы малакокомплексларни ўрганишга бағишланган. Умумий ҳисобда Оҳангарон ҳавзасининг жанубий ёнбағирликларида 15 та биотопдагы малакокомплексларни ўрганиб, қуруқлик моллюскаларининг 35 та турини қайд этилган, улар ҳам, шимолий ёнбағирдагыдек, биотоплар ва баландлик минтақалари бўйлаб нотекис тақсимланган.


Қуруқлик моллюскаларининг биотоплар ва ҳавзалар бўйыча зычлыгы диссертацияда батафсил ёритиб берилган.



Бешинчи боб «Кенг тарқалган турларнинг эколо-биологик хусусиятлари» деб номланган бўлиб, тўртта бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда Оҳангарон ҳавзасида яшайдиган қуруқлик моллюскаларининг экологик хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Бизга маълумки, Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудларда қуруқлик моллюскаларининг 170 дан ортиқ тури учрайди (Пазилов, Азимов 2003), аммо шу пайтгача ушбу турларнинг экологик боғлиқлиги у ёки бу даражада *Enidae* оиласида ўрганилган (Ғаибназарова Ф.П., 2017), бошқа турларнинг экологик хусусиятлари эса ўрганилмаган, мавжуд маълумотлар эса фрагментар тусга эга. Шунинг учун тадқиқот ҳудудида тарқалган қуруқлик моллюскаларининг экологик хусусиятлари ўрганилди.

Қуруқлик моллюскаларининг биотопнинг турли даражадаги намлигига талабчанлиги нуқтаи назаридан, Оҳангарон ҳавзасида яшовчи қуруқлик моллюскалари учта катта гуруҳга ажратилади: гигрофиллар, мезобионтлар ва ксеробионтлар. Ўз навбатида, бу гуруҳлар бир қатор оралик гуруҳларга бўлинади: мезоксеробионтлар, криомезоксеробионтлар (4-расм).



**4-расм. Қуруқлик моллюскаларининг намлик омилига нисбатан экологик гуруҳлари нисбати**

**Изоҳ:** *Гф-гигрофиллар, Мб-мезобионтлар, Кб-ксеробионтлар, Мкб-мезоксеробионтлар, Кмб-криомезоксеробионтлар.*

Тадқиқотнинг кўрсатишича (4-расм), энг катта гуруҳ мезобионтлар гуруҳи бўлиб, 23 та турни ўз ичига олади ва бу 36,5 фоизни ташкил қилади. Турлар сони бўйича иккинчи ўринни мезоксеробионтлар эгаллайди – 16 та тур ёки 25,4%, ксеробионтлар – 12 та (19%), гигрофиллар – 9 та тур (14,3%), тур, криомезоксеробионтлар эса жуда кам – 3 та тур (4,8 фоиз).


Бобнинг иккинчи бўлимда кенг тарқалган тур – *Leucozonella mesoleuca* мисолида қуруқлик моллюскаларининг кўпайиши ва ҳаёт циклини ўрганиш натижалари келтирилган.

Тоғ олди зоналарида *Leucozonella mesoleuca* март ойининг иккинчи ярмидан бошлаб қишки уйқудан чиқади, тоғли зоналарда эса бу давр апрелнинг биринчи декадасига тўғри келади, яъни бу пайтда ҳаво ҳарорати 12 +15°C бўлади. Ҳаво ҳарорати +10°C дан пастга тушганда *L. mesoleuca*

хаётий фаоллиги кескин тушиб кетишини ва бир қаватли эпифрагма ҳосил қилиб, уйкуга кетишини кузатдик.

Энг биринчи қовушган моллюскалар 10 апрелда топилган, энг кечкилари май ойининг бошларида кузатилди. Қовушгандан кейин тухум қўйиш 10-15 кундан кейин бошланади. Бошқа қуруқлик моллюскалари каби, улар тухум қўйишдан олдин оёғи билан тухум учун 1,5-2 см гача чуқур қазийди. Бир мартада 10 тадан 20 тагача тухум қўяди. Тухум қўйиш учун энг мақбул ҳаво ҳарорати +15 °С дан +19 °С гача. Тухум қўйгандан кейин чуқурлик албатта моллюска экскрементлари билан беркитилади, қайсики у асосан тупроқдан иборат бўлади. Шу тариқа, тухумларнинг ривожланиши учун мақбул шароитлар яратилади. Тухумларнинг табиий шароитларда ривожланиши ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлиб, бу жараён ҳароратга қараб 14 кундан 20 кунгача давом этади. Табиий шароитларда тухумларнинг ривожланиши ўртача кунлик ҳаво ҳарорати +15°С дан 20 кунгача, +19°С да 14-15 кунгача вақт эгаллайди. Май ойининг биринчи ўн кунлигида бир яримта айланадан иборат чиғаноқли моллюска тухумдан чиқади.

Лаборатория шароитида *Leucozonella mesoleuca* кўпайишини ўрганиш натижасида унинг копуляцияси, тухум қўйиш ва тухумларнинг етилиши тезлиги, шунингдек тухумлардан чиқиши ҳаво ҳарорати ва намлигига бевосита боғлиқлигини кўрсатди (5,6-расмлар).




**5-расм. Турли ҳароратларда *Leucozonella mesoleuca* инкубация даври давомийлиги ва тухумларнинг етилиши тезлиги**

1-қатор –Инкубация даври давомийлиги. 2-қатор –тухумлар етилиши тезлиги.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидек (5-расм), инкубация даври давомийлиги ва тухумлар етилиши тезлиги турли ҳароратларда ҳар хил бўлади. Масалан, +5 °С ҳароратда тухумлар инкубацияси даври 25 кун, тухумларнинг етилиши тезлиги эса 53 кунни ташкил қилади. Ҳарорат кўтарилгани сари инкубация даври қисқаради (5 кун), тухумларнинг етилиши тезлиги ҳам қисқаради (13 кун).

Тадқиқотлар *Leucozonella mesoleuca* эмбрионларининг яшовчанлиги бевосита ҳароратга боғлиқлигини кўрсатди (6-расм).



**6-расм. Турли ҳароратларда *Leucozonella mesoleuca* репродуктив тавсифлари динамикаси**

1-қатор – тухумлар сони. 2-қатор – ривожланаётган тухумлар.

6-расм маълумотларидан кўриниб турганидек, ҳарорат +5°C бўлганда 30 та тухумдан 7 таси етилиб, қолганлари нобуд бўлган, тухумларнинг нобуд бўлиши 76,6 фоизни ташкил қилди. Бундай юқори ўлим даражаси тухумлар ривожланишининг ҳарорат оптимуми анча пастлиги билан боғлиқ. Ҳарорат кўтарилиши билан яхши ривожланаётган тухумлар сони ҳам ортиб боради. Энг юқори тирик қолиш кўрсаткичи (350 та тухумдан 325 таси ёки 92,8 фоизи етилган) +18,5 °C ҳароратда қайд этилган (6-расм).

Ўрта Осиё табиий ландшафтларининг турли-туманлиги туфайли, унинг фаунаси бой ва ўзига хос бўлиб, бу тур ва авлод эндемиклигининг юқори даражаси билан тавсифланади.

Тадқиқотларимиз натижасида, Оҳангарон ҳавзасида тарқалган 63 тур қуруқлик моллюскаларидан 35 та тури Ўрта Осиё эндемиклари эканлиги аниқланди. Эндемик турлар ареаллари жуда турли-туман. Улар орасида муайян тоғ тизмаларига мослашган турлар бор, масалан, *Ps.chodschendicus* фақат Қурама тоғ тизмасида, *Ps. chatkalicus*, *Turanena inversa*, *Leucozonella ferghanica* эса Чотқол тизмасида тарқалган. Маълум бир турлар иккита (*Ps. diplus*, *Ps. dissimilis*, *Ps. trigonochilus*, *Ps. submicronatus*, *Turanena stschukini*, *Laevozebrinus ujfalvyanus*, *Fruticicola saturate*, *F. sinistrorosa* - Чотқол ва Фарғона тизмалари) ёки учта (*Odontotrema diplodon*, *L. hypophaea*, *T. Ferganus* – Чотқол, Фарғона ва Жургар тизмалари), *Ps. entoptyx* (Чотқол, Пском, Угам) тоғ тизмаларида яшайдиган турлар бор. Улар билан бир қаторда кенг ареалли турлар – *Pseudonapaesus albiplicatus*, *Leucozonella mesoleuca*, *Angiomphalia regeliana*, *Macrochlamys turanica*, *M. Sogdiana* аниқланган бўлиб, улар Тяньн-Шань, Помир-Олой тоғ тизимларини, Афғонистон ва Шимоли-Шарқий Эроннинг тоғли ҳудудларини қамраб олади. Ареални ҳисобга олиб, эндемик турларнинг тарқалиши учта гуруҳга ажратилган: тор ареалли эндемиклар (фақат битта тоғ тизмасида яшайдиган), ўрта ареалли эндемиклар (фақат иккита ёки учта тоғ тизмаларида яшайдиган), кенг ареалли эндемиклар (учта ёки ундан кўп тоғ тизмаларида яшайдиган).

Оҳангарон ҳавзаси малакофаунасининг ҳолатини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, бир қатор турлар камёб, баъзилари йўқолиб кетиш арафасида бўлиб, 63 турдан 5 таси *Pseudonapaeus entoptyx*, *Turanena inversa*, *Fruticicola sinistrorosa*, *Leucozonella ferghanica*, *Laevozebrinus ujfalvyanus* ушбу турлар ҳимояга мухтож эканлиги аниқланган.

## ХУЛОСАЛАР

«Оҳангарон ҳавзаси қуруқлик моллюскалари (Gastropoda, Pulmonata) фаунаси ва экологик-биологик хусусиятлари» мавзусида олиб борилган диссертация тадқиқоти натижалари бўйича қуйидаги хулосалар олинди:

1. Оҳангарон ҳавзасида қуруқлик моллюскаларининг 63 та тури аниқланган бўлиб, улар 21 авлодга ва 13 оилага мансуб. 8 та тури (*T.callicratis*, *P.sterrii*, *Ps.chodschendicus*, *Ps. sogdianus*, *Ps. submucronatus*, *F. dichrozona*, *F.perlucens*, *X. krynickii*) нафақат ўрганилган ҳудуд, балки Фарбий Тён-Шон фаунаси учун ҳам янги турлар ҳисобланади.

2. Таксономик рўйхатни таҳлил қилиш натижасида *Pseudonapaeus* ва *Fruticicola* авлодлари турлар сонига нисбатан кўпчиликни ташкил этиб, *Pseudonapaeus* авлоди 11 та турни ўз ичига олиб, бу ўрганилган ҳудуд малакофаунасининг 17,46 фоизини, *Fruticicola* авлоди эса 10 та турдан иборат бўлиб, 15,86 фоизни ташкил қилади.

3. Оҳангарон ҳавзаси қуруқлик малакофаунасининг зоогеографик таркиби 6 та гуруҳдан иборат – палеарктик ва голарктик турлар– 9 (14.28 %), Европа турлари – 6 (9.52 %), тоғли - Осиё турлари – 9 (14.28 %), Ўрта Осиё турлари – 35 (55.55 %), Олд Осиё турлари – 2 (4.76 %), Ўрта ер денгизи турлари – 1 (1.58 %).

4. Илк маротаба Оҳангарон ҳавзаси қуруқлик моллюскаларининг ландшафт-биотопик тақсимланиши ўрганилиб, шимолий ва жанубий ёнбағирлар бўйлаб, шунингдек баландлик минтақалар ва биотоплар бўйича моллюскалар нотекис тақсимланганлиги аниқланди. Масалан, умумий ҳисобда иккита ёнбағир 15 тадан биотоплар бўйича ўрганилганда жанубий ёнбағирларда қуруқлик моллюскаларининг 35 та тури, шимолий ёнбағирларда эса 42 та тури яшаши аниқланди.

5. Қуруқлик моллюскаларининг зичлиги биотоплар бўйича ўрганилганда, популяцияларининг энг катта зичлиги шимолий ёнбағирда шувоқлар орасидаги тошлар тагида ва буталар орасида қайд этилган бўлиб, популяциядаги зичлиги 1м<sup>2</sup> майдонда 58 донани ташкил этган бўлса, Жанубий ёнбағирда ярим буталар ва дарахт-буталардаги биотопларда зичлиги 45 тани ташкил этади.

6. Қуруқлик моллюскаларининг экологик мослашувчанлигини ўрганиб, уларнинг намлик омилига нисбатан эҳтиёжини ҳисобга олиб, моллюскаларнинг қуйидаги экологик гуруҳлари аниқланди: мезобионтлар (23 та тур), ксеробионтлар (12 та тур), мезоксеробионтлар (16 та тур), гигрофиллар (9 та тур) ва криомезоксеробионтлар (3 та тур).

7. Илк мартаба *Leucozonella mesoleuca* тури биологик хусусиятлари биринчи марта ўрганилиб, қуруқлик моллюскалари копуляцияси, тухум қўйиши ва унинг ривожланиши, шунингдек тухумдан чиқиш жараёни бевосита ҳаво ҳарорати ва намлигига боғлиқлиги аниқланиб, *Leucozonella mesoleuca* ҳаёт цикли учун ҳарорат оптимуми +18,5 °С эканлиги кўрсатиб ўтилди.

8. Эндемиклик даражаси ўрганилиб, Оҳангарон ҳавзасидаги 63 тур қуруқлик моллюскаларидан 35 та тури Ўрта Осиё эндемиклари эканлиги аниқланди.

9. Оҳангарон ҳавзаси қуруқлик моллюскалари популяциядаги ҳолати ўрганилиб, 63 турдан 5 таси муҳофазага муҳтожлиги аниқланди. Улардан *Pseudonapaeus entoptyx*, *Turanena inversa*, *Fruticicola sinistrorosa*, *Leucozonella ferghanica* ва *Laevozebrinus ujfalvyanus*.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/30.12.2019.В.91.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ  
ГУЛИСТАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**САИДОВ МАДИЛХОН АЗИЗХОНОВИЧ**

**ФАУНА И ЭКОЛОГО-БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ  
НАЗЕМНЫХ МОЛЛЮСКОВ (GASTROPODA, PULMONATA)  
АХАНГАРАНСКОГО БАССЕЙНА**

**03.00.06 – зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Гулистан – 2023**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за номером B2019.4.PhD/B399

Диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещён на веб-странице Научного совета (www.....) и Информационно образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Пазиров Абдуваент,  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Боймуродов Хусниддин Тошбулгаевич  
доктор биологических наук, профессор  
Дадаев Сайдулла  
доктор биологических наук, профессор

**Ведущая организация:** Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «23» 09 2023 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.30.09.2019.B.91.01 при Гулистанском государственном университете в актовом зале университета. (Адрес: 120100, Сырдарьинская область, город Гулистан, 4-мкр. Тел.:(+99867) 225-39-25, факс:(+99867) 225-39-25, E-mail: [glsuinfo@edu.uz](mailto:glsuinfo@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Гулистанского государственного университета (зарегистрировано за № 2). Адрес: 120100, Сырдарьинская область, город Гулистан, 4-мкр. Тел.: (+99867) 225-39-25.

Автореферат диссертации разослан 9.09 2023 года.

(реестр Протокола № 2 от 9.09 2023 года).



103

**Б. Ё. Тўхтаев**

Заместитель председателя научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.б.н., профессор

**Ф.П. Гаибназарова**

Заместитель старшего научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.ф.н.б(PhD), доцент

**Э.Б. Шакарбоев**

Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день растущее влияние антропогенных факторов, таких как вырубка лесов в мировых масштабах, мелиорация, создание искусственных водоемов, открытая добыча полезных ископаемых, приводит к сокращению биоразнообразия моллюсков и полному исчезновению некоторых их видов. Особенно в последние годы расширение урбанизированных территорий и неправильное водопользование порождают необратимые процессы, приводящих к деградации экосистем, влияющей на их разнообразие. Поэтому, оценка современного состояния популяций наземных моллюсков на территориях с сильными антропогенными факторами, обоснование их эколого-биологических особенностей и разработка мероприятий по защите эндемичных, редких и находящихся под угрозой исчезновения видов имеет важное значение.

В мире ведутся научные исследования по определению разнообразия моллюсков, анализу их распространения в природных и антропогенных ландшафтах под влиянием различных факторов, а также сохранению исчезающих видов. В этой связи, уделяется особое внимание исследованию малокафауны, выявлению современных особенностей их распространения в экосистемах, разработке мероприятий по охране редких и исчезающих видов.

В нашей республике уделяется особое внимание защите животного мира и обеспечению стабильности экосистемы. В этой связи, определён таксономический состав наземных моллюсков, раскрыто их хозяйственное значение, разработаны меры по сохранению редких и находящихся под угрозой исчезновения видов. В частности, в Стратегии по сохранению биологического разнообразия в республике Узбекистан на период 2019-2028 годы определены задачи<sup>2</sup> «...сохранение и устойчивое использование биологического разнообразия, развитие и расширение охраняемых природных территорий, осуществление комплекса мер по снижению темпов деградации естественных экологических систем, восстановление редких и исчезающих видов животных и растений». Исходя из этих задач, определение фаунистического состава бассейна реки Ахангаран, проведение его таксономического и зоогеографического анализа, определение биологических характеристик и жизненного цикла широко распространенных видов, разработка мероприятий по сохранению эндемичных и охраняемых видов наземных моллюсков имеет важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в значительной мере служит выполнению задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан «Об охране и использовании животного мира» от 19 сентября 2016 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-3256 «О мерах по

---

<sup>2</sup>Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 484 «Об утверждении Стратегии по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы» от 11 июня 2019 года

организации деятельности Института ботаники и Института зоологии Академии наук Республики Узбекистан» от 4 сентября 2017 года, Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №914 «О ведении государственного учёта, учёта объёмов использования и государственного кадастра объектов животного и растительного мира» от 7 ноября 2018 года, Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №484 «Об утверждении Стратегии по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы» от 11 июня 2019 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики:** Данная диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

